



ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЖАМИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
“Ижтимоий фанлар ва ҳуқуқ” кафедраси доценти
Валиев Ботир Носирович

Аннотация. Мақолада иқтисодий маданиятнинг жамият ривожининг турли босқичларидаги сифат ҳолати сифатидаги мазмуни фалсафий-методологик жиҳатдан таҳлил қилинган. Унда иқтисодий маданиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий муносабатлар билан узвий боғлиқлиги, бозор муносабатлари шароитидаги трансформацияси ҳамда жамият ва шахс иқтисодий маданияти ўртасидаги ўзаро алоқалар ёритилган. Шунингдек, иқтисодий маданиятнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги роли, унинг таркибий элементлари ва ривожланиш қонуниятлари асослаб берилган.

Калит сўзлар. иқтисодий маданият, иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқарувчи кучлар, бозор иқтисодиёти, иқтисодий онг, иқтисодий тафаккур, ижтимоий ривожланиш, шахс омили, тадбиркорлик, иқтисодий фаолият

РОЛЬ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В РАЗВИТИИ
ОБЩЕСТВА

Аннотация. В статье с философско-методологической точки зрения анализируется экономическая культура как качественное состояние общества на различных этапах его развития. Рассматривается её взаимосвязь с производительными силами и экономическими отношениями, трансформация в условиях рыночной экономики, а также взаимодействие общественной и индивидуальной экономической культуры. Особое внимание уделено роли экономической культуры в социально-экономических процессах, её структурным элементам и закономерностям развития.



Ключевые слова. экономическая культура, экономические отношения, производительные силы, рыночная экономика, экономическое сознание, экономическое мышление, социальное развитие, человеческий фактор, предпринимательство, экономическая деятельность

THE ROLE OF ECONOMIC CULTURE IN SOCIAL DEVELOPMENT

Abstract. *The article examines economic culture as a qualitative state of society at different stages of its development from a philosophical and methodological perspective. It explores the relationship between economic culture, productive forces, and economic relations, as well as its transformation in the context of a market economy and the interaction between social and individual economic culture. Particular attention is given to the role of economic culture in socio-economic processes, its structural elements, and patterns of development.*

Keywords. *economic culture, economic relations, productive forces, market economy, economic consciousness, economic thinking, social development, human factor, entrepreneurship, economic activity*

Иқтисодий маданиятни жамият ривожининг ҳар бир босқичидаги сифат ҳолати, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасини муайян бир ифодаси сифатида ҳам олиб қараш мумкин¹. Бу ерда жамият ва иқтисодий маданиятнинг ўзаро алоқадор жиҳатларини фарқлаб олса бўлади. Жамият иқтисодий маданиятини ишлаб чиқарувчи кучларимиз ва муносабатларимизнинг намоён бўлиши сифатида тушунса ҳам бўлади. Агар, инсоний, ижтимоий шартлар иқтисодий соҳада доимо мавжудлигини ҳисобга олсак, иқтисодий маданият кўламини белгилашда, инсон олами ўзлаштириш жараёнида эришган ютуқларни изоҳлаш билан кифояланиш мумкин. Бу эса,

¹ Қаранг: Рывкина Р.В. Между социализмом и рынком: судьба экономической культуры в России. - М.: Наука, 1994. 16-20 стр.



ўтилган тарихий йўлни жамият иқтисодий соҳасини ўзлаштириш маъносида характерлаш имконини беради. Шу маънода, инсоният тарихи турли ижтимоий, сиёсий, маънавий воқеалар давомийлиги бўлгани каби, иқтисодий маданиятнинг сифат жиҳатидан ўзгариб бориши тарихи ҳамдир.

Бу нуқтаи назардан, жамиятимизнинг ҳозирги иқтисодий маданияти ўтмишдагидан сифат жиҳатдан янгича мазмунга эгадир. Туб ўзгаришлар рўй бераётган жамиятимизга хос бугунги иқтисодий маданиятга ижтимоий жараёнлар ва муносабатлардаги чуқур ўзгаришлар катта таъсир кўрсатмоқда. Уларнинг мазмуни моҳиятан бозор муносабатлари негизда ўзгариб бормоқда. Уларда мулкчиликнинг турли шакллари, моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолнинг янгича характери ифодаланмоқда. Жамиятимизда янгидан шаклланаётган иқтисодий маданиятда кишиларнинг манфаатлари, шахсий масъулияти, ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги, ижодкор фаолияти ва эркин ташаббускорлиги яққол намоён бўлмоқда.

Жамият иқтисодий маданиятига умумий назар билан қараш, уни шаклланишининг турли тарихий босқичларини кузатиш имконини беради. Иқтисодий маданиятимизнинг асослари мустақил тараққиёт йўлининг бошида, янги жамият қуришнинг дастлабки қадамлари билан бирга шакллана бошлади. Халқимизнинг бой тарихий мероси, жаҳон тажрибаси ютуқлари бунда жуда кўл келди. Кишиларимизнинг эркин иқтисодий фаоллиги кучайиши ва бозор муносабатларининг шаклланишига янгича иқтисодий тафаккурлаш, билим, тажриба ва малаканинг ортиб бориши кўпроқ таъсир эта бошлади. Жамиятимизда янги ўзига хос иқтисодий маданият шакллана бошлади.

Иқтисодий маданият иқтисодий жараёнларда, айниқса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатида ўзига хос акс этади. Бироқ, бу унинг асл моҳияти ва мазмунини тўла ёритиш имконини бермайди. Шу жиҳатдан, унинг ҳақиқий мазмунини очиш орқали талқин қилиш муҳимдир. Шунини қайд этиш лозимки, жамият иқтисодий маданиятини эмпирик ўрганиш ва тасвирлаш ҳам уни тушунишнинг муайян бир жиҳати бўлиб хизмат қилади. Бунда иқтисодий



маданиятга маълум моддий кадриятлар ва ғоялар йиғиндиси сифатида қараш назарда тутилади. Зеро, иқтисодий воқелигимиз моддий нарсалар ва муносабатлар мажмуи ҳамда маънавий жараёнлар яхлитлиги билан характерланади. Масалан, иқтисодий маданиятни сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик маданият билан таққослаш учун ҳам, уларни фарқлаш шарти сифатида маълум доирадаги, бироқ асосли равишда танланган, эмпирик кузатиш ва таққослаш мумкин бўлган элементлар мажмуи ажратиб олинади. Иқтисодий маданиятни тушунишнинг у ёки бу жиҳатлари, назарий ёки эмпирик бўладими, бир-бирини тўлдириб боради. Жамият иқтисодий маданиятининг шаклланиши жараёнини таҳлил эта туриб, эмпирик текшириш мумкин бўлган кўрсаткичларни ажратиб олиш мумкин. Масалан, ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг иқтисодий онглилиги, иқтисодий бошқарув, хизмат кўрсатиш, савдо, тадбиркорлик маданияти кабиларни кўрсатиш мумкин.

Тарихий тажриба кўрсатадики, маданият даражаси ижтимоий муносабатлар билан белгиланган ва шартланган бўлади. Маданият жамият томонидан яратилади, қўлланади ҳамда унга хизмат қилади, ижтимоий муносабатлар барқарорлиги ва такрор ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Жамиятда шаклланган иқтисодий маданият иқтисодий муносабатлар билан бирга, барча ижтимоий муносабатларга ҳам боғлиқ. Буни иқтисодий муносабатларнинг мазмуни билан ижтимоий ҳаётнинг узвий алоқадорлиги ҳам тасдиқлайди².

Ижтимоий муносабатлар тизимида иқтисодий муносабатлар муҳим ўринни эгаллайди. Улар объектив бўлиб, иқтисодий маданиятнинг негизини ташкил этади, иқтисодий онгга ўрнашиб боради, уни белгилаб беради ва унда ўз ифодасини топади.

Иқтисодий муносабатларни ишлаб чиқариш муносабатлари билан тенглаштириш ярамайди. Ишлаб чиқариш муносабатлари икки таркибий қисмдан иборат мураккаб тизимдир. Унда ташкилий-технологик ва иқтисодий

² Қаранг: Сен А. Об этике и экономике. М.: Наука, 1996. – с.106.



муносабатлар фаркланади. Иқтисодий муносабатларнинг моҳиятини ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнлар ҳамда шу соҳадаги муносабатларнинг шакллари эмас, балки мулкчилик, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол шакллари, улар билан боғлиқ муносабатлар ифодалайди. Иқтисодий муносабатлар аввало мулкий муносабатлардир. Улар нафақат моддий ишлаб чиқариш, балки номоддий ишлаб чиқариш соҳасининг ҳам зарурий томонларини ташкил этиб, иқтисодий фаолият жараёнида келиб чиқади, ривожланиб боради ва жамият иқтисодий маданиятининг характерини белгилаб беради.

Иқтисодий маданиятни бевосита фақат ишлаб чиқариш билан боғлиқ деб ҳисоблаш ҳам ўринли эмас. Иқтисодий маданият тақсимот, айрибошлаш ва истеъмолда ҳам намоён бўлади. Узвий бирликда бўлган ҳолда, улар яхлит иқтисодий фаолиятни намоён этади. Иқтисодий маданиятни фақат бевосита ишлаб чиқариш билан боғлаб қўйиш мана шу яхлитликнинг бузилишига тенг бўлиб қолади. Жамиятнинг сифат ҳолатини аниқроқ ва тўлароқ ифодаловчи мулкчилик шакллари, ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий муносабатлар ривожининг эришилган даражаси иқтисодий маданиятда ўз аксини топади. Шу жиҳати билан, иқтисодий маданият кишиларнинг ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол жараёнидаги иқтисодий фаолияти йўналишини белгилаб беради.

Жамият иқтисодий маданиятини ижтимоий гуруҳлар (миллатлар, қатламлар ва ҳ.к.) га хос бўлган иқтисодий фаоллик ва муносабатлар такомиллашуви, бир босқич, ҳолатдан бошқасига ўтишини акс эттирувчи тизим сифатида ҳам олиб қараш мумкин. Иқтисодий маданият бир ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидан янгисига ўтиш жараёнида қайта шаклланади, сифат жиҳатидан янгиланади. Бу жараёнда ўтмиш тажрибаси, анъаналаридан тўла воз кечилмайди. Иқтисодий маданият янги ижтимоий тузумни яратиш учун фойдаланиш мумкин бўлган яроқли элементларни ўзига қабул қилади. Жамият иқтисодий маданияти ўтмиш ва ҳозирги авлодлар иқтисодий тажрибаси билан бирга, келажак тараққиётнинг истиқбол эҳтиёжлари ва мақсадларини ҳам ифодалайди.



Бозор муносабатлари негизида янгиланаётган жамиятимиз иқтисодий маданияти ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий муносабатларимизнинг, иқтисодий ҳаётимизнинг янги сифат белгисидир. Унинг аҳамияти ўсиб боришини объектив омиллар белгилаб бермоқда. Уларга, авваламбор, барқарор иқтисодий ривожланишга ўтиш, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, илмий, технологик вазифалар билан алоқадорликда ҳал этилиши мумкин бўлган иқтисодий ислохотлар мураккаблигини кўрсатса бўлади. Бозор муносабатларини шакллантириш асосида олиб борилаётган ислохотлар бошлангандан бери, иқтисодиётда туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Кўпгина корхоналар, янги тармоқлар яратилди. Инқироздан чиқиб, иқтисодий ўсишга эришаётган Ўзбекистон Республикасининг миллий даромади ортиб бормоқда. Энг асосийси, кишилар меҳнати билан ундан манфаатдорлик орасида бевосита алоқадорлик таъминланмоқда. Бозор иқтисодиётини қуришдаги муваффақият кўп жиҳатдан бозор субъектлари, соҳибкорларнинг иқтисодий онги, тафаккури, билимлари, савия ва малакасига, маҳорати, тажрибаси, интилиш ва фаоллигига боғлиқ бўлиб бормоқда.

Ҳозирги фан ва техника тараққиёти иқтисодий бунёдкорлик фаолиятининг барча соҳалари интеграцияси ва такомиллашуви учун янги шароитларни юзага келтирмоқда. Фан, техника ва ишлаб чиқаришдаги, истеъмол ва эҳтиёжлардаги кескин ўзгаришлардан ташқари, инсон меҳнатини тобора ижодий соҳага ўтиб бориши билан ва шунга мувофиқ равишда ақлий фаолият билан банд бўлган кишиларнинг ортиб бориши рўй бермоқда. Бу жараён инсоннинг барча имкониятларини, биринчи навбатда ижодкорлик қобилиятини намоён қилиши учун шароит яратади, шу билан бирга, фан ва техника ривожининг ўзи ҳам инсон омилига, унинг маданиятига боғлиқ бўлиб қолаверади³.

³ Қаранг: Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. (Пер. с англ.)-М.: ГУ ВШЭ, 2000, 123-стр.



Жамият иқтисодий маданиятининг ўзгариши кўп омилларга боғлиқлиги билан бирга, қатор умумий ва хусусий қонуниятларга бўйсунган. Унинг янгилааниши ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмолнинг ривожланиши билан ҳар доим ҳам мос келавермайди. Иқтисодий маданият улар билан мос келиши, уларни таъминлаши, уларнинг ривожланишидан ўзиб кетиши ёки орқада қолиши мумкин. Ижтимоий ўзгаришлар қанчалик чуқур, сиёсий, иқтисодий ва маданий вазифалар қанчалик кенг қамровли бўлса, инсон омилини ҳар томонлама такомиллаштириш, жамият ва шахс иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг аҳамияти шунчалик ортиб боради. Энди, иқтисодий маданият шахснинг иқтисодий билимлари, кўникмалари, малака ва маҳорати, иқтисодий соҳадаги қобилияти ва имкониятларини қўллай олиш даражасининг сифат кўрсаткичи бўлиб чиқади. Шахс иқтисодий маданияти унинг ўзини ўзи ривожлантиришини ҳам билдиради. Зеро, инсон нафақат яратади, бойитади ва маданий қадриятларни истеъмол қилади, балки ўз камолоти жараёнида эркинликнинг янги, юқорироқ босқичларига кўтарилиб боради.

Жамият иқтисодий ҳаёти ишлаб чиқарувчи кучларни, шу соҳадаги муносабатларни, иқтисодий сиёсат, фаолият, эҳтиёжлар, манфаатлар, таълим ва тарбия кабиларни ўз ичига олади. Уларнинг таҳлили, инсоннинг иқтисодий соҳадаги ижодий-яратувчан фаолияти, шу фаолият маҳсули бўлмиш қадриятлар ва тажрибасининг уйғунлиги жамият иқтисодий маданиятининг моҳиятини ифодалаши ҳақидаги фикрга олиб келади. Иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида инсоннинг яратувчан ижодий фаолияти намоён бўлади. Масалан, иқтисодий фан соҳасидаги фаолият аждодлар ишлаб чиққан иқтисодий назарияларни ўрганиш, олинган билимлар асосида уларнинг янгиларини яратишни тақозо этади. Иқтисодий сиёсат эса давлат ташкилотлари (вазирлик ва концернлар, ҳокимият органлари ва ш.к.), турли партиялар, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларининг фаолиятини ўз ичига олади. Унинг самара ва муваффақияти жамият аъзоларининг меҳнатга эркин, фаол ва ижодий ёндашувига боғлиқдир. Иқтисодий тарбия эса шахсда



маълум иқтисодий сифатларни шакллантиришга қаратилган фаолиятни тақозо этади.

Умуман, иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида кишиларнинг бунёдкорлиги билан яратилган ва яратилаётган кадриятлар мажмуини фарқлаш лозим. Бундай кадриятлар туркумига ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражаси, иқтисодий муносабатларнинг етуқлиги, меҳнат тақсимотидаги ихтисослашув даражаси, хўжалик юритиш шакли ва усуллари кабиларни киритиш мумкин.

Иқтисодий маданиятга иқтисодий фан кадриятлари, яъни иқтисодий назариялар, ғоялар ва қарашлар, кишиларнинг таълим-тарбия орқали эришиладиган илғор иқтисодий фазилатлари ва хулқий меъёрлари ҳам таъсир кўрсатади ⁴. Зеро, иқтисодий фазилат ва хулқ меъёрлари ижобий (меҳнатсеварлик, тежамкорлик, интизомлилик, ташкилотчилик, новаторлик, фидойилик, масъулият, ишбилармонлик кабилар) ёки салбий (ишёқмаслик, хўжасизлик, исрофгарчилик, лоқайдлик, шошқалоқлик, масъулиятсизлик, боқимандалик, ташмачилик кабилар) бўлиши ҳам мумкин. Бу борада кадрият сифатида фақат ижобий фазилат ёки сифатларни қабул қилиш лозим. Буларнинг барчаси, жамият иқтисодий маданиятини иқтисодий ҳаётдаги бунёдкорлик фаолияти, шу фаолиятни олиб бориш усуллари, воситалари ҳамда маҳсулининг яхлит бирлиги деб тавсифлаш имкониятини беради.

Иқтисодий маданиятнинг моҳиятини англаб олишда унинг умумижтимоий ва шахсий даражаларини фалсафий таҳлили ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги жамият тараққиётида шахсий омил ўрнининг ўсиб бораётгани, шахс иқтисодий маданияти аҳамиятининг ортишини тақозо этмоқда. Жамият ва шахс иқтисодий маданияти орасида мураккаб алоқа ва ўзаро боғлиқлик мавжуд. Бу, авваламбор, шахснинг жамият иқтисодий маданияти тамойилларидан келиб чиқишида ифодаланади. Шахс иқтисодий маданияти жамият иқтисодий маданиятига мос келиши, ундан ўзиб кетиши,

⁴ Қаранг: Культура имеет значение. Каким образом ценности способствуют общественному прогрессу. Под ред. Л.Харрисона, С.Хантингтона. Пер. с англ.-М: МШПИ, 2002.101-стр.



баъзан орқада қолиб, унинг ривожига ҳалақит бериши мумкин. Масалан, маърифий бозор иқтисодий маданияти юқори самарали илғор технологияларга, эркин рақобат ва эркин тадбиркорликка, юксак ривожланган ишлаб чиқарувчи кучлар ва ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларга, шунга мос назариялар ҳукмронлигига эга бўлиши билан фарқланади. Шу билан бирга, алоҳида кишилар иқтисодий маданиятининг жамият иқтисодий маданиятидан орқада қолиши, иқтисодий билимлар ва эътиқоднинг ўзгариши, иқтисодий тафаккурнинг янгилиниши ва фаолликнинг эркинлашуви, бозор назарияси, иқтисодий ислохотлар, амалий вазифалар талабига етарли жавоб бера олмаслиги мумкин.

Жамият умумий иқтисодий маданияти иқтисодий ривожланиш жараёнида ва халқ оммасининг бунёдкорлик имкониятлари намоён бўлишида ўз ифодасини топади. У кишилар ижодий фаоллигининг ифодаси, ижтимоий тараққиётнинг қудратли омили, йирик ижтимоий гуруҳларнинг амалий ишларини, уларнинг иқтисодий хулқини, бунёдкорлигини жамловчиси сифатида намоён бўлади. Унинг аҳамияти ҳам айнан ана шулар билан боғлиқдир.

Умумиқтисодий маданият ўз инъикос объектига эга бўлиб, бундай объект сифатида иқтисодий фаолият ва муносабатларни кўрсатиш мумкин. Иқтисодий маданиятнинг ҳаққонийлик даражаси унинг ўз инъикос объектини, иқтисодий воқеликни нечоғли тўғри ва тўлиқ ифода этиши билан боғлиқдир. Шу билан бирга, иқтисодий маданиятнинг ўзи ҳам ўз субъектлари томонидан таъсир ўтказиш объекти сифатида қаралиши мумкин. Давлат, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар, уларнинг ташкилотлари ва жамоат уюшмалари, хўжалик субъектлари ўз раҳбарлари ва аъзолари онгида шаклланган ғояларга асосланиб, иқтисодий маданиятга янгиликлар киритиши ҳамда уни ривожлантириши шундан далолат беради.

Мазкур мақолада иқтисодий маданият жамият тараққиётининг муҳим сифат кўрсаткичи сифатида ҳар томонлама таҳлил қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодий маданият фақат иқтисодий жараёнларнинг ташқи



ифодаси эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлар, иқтисодий муносабатлар ва инсон омилининг ўзаро уйғунлигида шаклланадиган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. У жамият ривожининг ҳар бир босқичида ўзига хос мазмун касб этиб, тарихий тараққиёт давомида сифат жиҳатидан ўзгариб ва бойиб боради.

Шунингдек, иқтисодий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши бозор муносабатлари шароитида янада долзарб аҳамият касб этиши асослаб берилди. Зеро, замонавий иқтисодий тизимда шахснинг иқтисодий билими, тафаккури, ташаббускорлиги ва масъулияти ҳал қилувчи омилга айланмоқда. Жамият иқтисодий маданиятининг юксалиши эса иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги, барқарор иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Мақолада иқтисодий маданиятнинг таркибий қисмлари — иқтисодий онг, иқтисодий тафаккур, иқтисодий фаолият ва хулқ-атвор кабилар ўзаро боғлиқ тизим сифатида ёритилди. Уларнинг уйғун ривожланиши жамият иқтисодий ҳаётида ижобий натижаларга олиб келиши таъкидланди. Айниқса, иқтисодий маданиятнинг ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнларида намоён бўлиши унинг кенг қамровли эканини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий маданият жамият тараққиётининг нафақат натижаси, балки уни ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири ҳисобланади. Унинг ривожланиши инсон капитали салоҳиятини ошириш, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ва замонавий бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда жамиятни модернизация қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис, иқтисодий маданиятни юксалтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ва амалий чора-тадбирлар жамият барқарор тараққиётининг муҳим шарт сифатида қаралиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Abdullaev, Y., & Rahimov, M. *Iqtisodiy madaniyat va uning jamiyat taraqqiyotidagi o'рни*. — Toshkent: Iqtisodiyot, 2022.



2. Safoev, S., & Norqulov, H. *Iqtisodiy tafakkur va madaniyat rivoji*. — Toshkent: Fan va texnologiya, 2021.
3. Toxliyev, N., & Hakimov, R. *Iqtisodiy bilim asoslari*. — Toshkent: Uzbekistan, 2023.
4. Kuznetsov, V. I. *Ekonomicheskaya kul'tura i yeyo rol' v razvitii obshchestva*. — Moskva: Yurayt, 2020.
5. Ivanova, N. A. *Ekonomicheskoe soznanie i kul'tura v usloviyakh rynochnoy ekonomiki*. — Moskva: Infra-M, 2021.
6. World Bank. *World Development Report 2022: Finance for an Equitable Recovery*. — Washington, DC: World Bank, 2022.
7. United Nations Development Programme (UNDP). *Human Development Report 2023/2024*. — New York: UNDP, 2024.
8. OECD. *Culture and Local Development: Maximising the Impact*. — Paris: OECD Publishing, 2021.
9. Throsby, D. *Economics and Culture*. — Cambridge: Cambridge University Press, 2021.
10. Florida, R. *The Rise of the Creative Class (Updated Edition)*. — New York: Basic Books, 2020.